2006 ЙИЛ, 2 ИЮНЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 105 (10.662) Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурлари талай даражада такомиллаштирилди, уларга мувофиқ замон талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилган. Ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизими синов тариқасида жорий этилмоқда.

Шу билан бирга дарсликларни сотиш механизми аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондиришни ҳисобга олган ҳолда бутун республика ҳудудида чакана савдонинг пухта тизимини ташкил этиш ҳамда уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш жараёнига педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини кенг жалб этиш йўли билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизимини, шунингдек дарсликлар чакана савдоси кенг тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни чиқариш ва сотишга йиллик прогноз квоталари педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирокида ҳар йили ўтказиладиган ихтисослаштирилган китоб кўргазма-ярмаркалари, шунингдек умумтаълим мактаблари кутубхона фондларини хатловдан ўтказиш натижасида белгиланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Ўзкитобсавдо» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларини ташкил қилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2 — 4-синфлар учун - икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун - тўрт йилда бир марта янгиланади.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси (Р.С.Қосимов) умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режалари, дарсликларни экспертизадан ўтказиш ва маъқуллаш чоғида дарсликларни янгилашнинг белгиланган муддатига риоя этилиши ҳамда уларнинг мазмуни асоссиз ўзгартирилишига барҳам берилишига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 декабргача:

кейинги ўқув йилига тавсия этиладиган дарсликлар рўйхатини, шунингдек янгиланган варианти чиқарилгани муносабати билан бекор қилинган дарсликлар рўйхатини ота-оналарга маълум қилишни;

умумтаълим мактаблари кутубхона фондларининг зарур дарсликлар ва ўқув- методик қўлланмалар билан таъминланганлигини, шунингдек утилизация қилинадиган жисмоний ва маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни аниқлаш мақсадида мазкур кутубхона фондларини хатловдан ўтказишни;

навбатдаги ўқув йили учун ўқитиладиган тиллар, номлар ва синфларга қараб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган ярмаркалари, педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота- оналари фикрини ўрганиш, шунингдек хатловдан ўтказиш натижалари асосида предметлар бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқариш ва сотишга прогноз квоталари шакллантирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларни ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили шакллантириладиган прогноз квоталари асосида ҳар йили 1 июлга қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқарилишини ташкил этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг нашриёт расмийлаштируви ва матбаа ижроси давлат стандартини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсин ва қайтадан тасдиқласин, уларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган фойдаланиш муддати давомида тегишли жисмоний ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни нашр этиш чоғида фойдаланадиган қоғоз ҳамда бошқа матбаа материалларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан талаблар оширилишига алоҳида эътибор қаратсин;

матбаа корхоналарида ўрнатилган стандартларга риоя этилиши устидан самарали ички назорат механизмини жорий этсин.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ҲАР БИР ФАРЗАНДГА — МЕҲР-ЭЪТИБОР!





Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Sen yolg'iz emassan», Болалар, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирга пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар ўғил-қизлари таклиф этилди.



Мамлакатимизда ёш авлоднинг комил инсонлар этиб вояга етишини таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг энг устувор йўналишларидандир. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури бераётган самаралар бунинг ёрқин намунасидир.

Бу йил 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни мамлакатимизда «Ҳар бир фарзандга - меҳр-эътибор!» шиори остида ўтди. Мазкур кунда ташкил этилган кўплаб концертлар, учрашувлар, фестиваль ва кўргазмалар, экскурсиялар, спорт мусобақаларида ўн минглаб болалар иштирок этди.

Байрам тадбирида таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараси ўлароқ ёшларимиз халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, фестиваллар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Тадбирда ана шундай ёшларнинг бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Кечада юртимизнинг машҳур болалар ҳаваскорлик гуруҳлари, бадиий жамоалар, эстрада, цирк санъати юлдузлари, ижрочи ёшлар иштирокидаги катта мусиқий дастур намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

ЎзА

Киска сатрларда

●**БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 5-кутубхонасида «Саломатлик—туман бойлик» мавзуида нарколог шифокорлар ҳамда китобхонлар иштирокида туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

●**КЕЧА** Миробод туманидаги «Сарикўл» маҳалласида уюштирилган югуриш, шахмат, шашка бўйича, «Қувноқ стартлар» мусобақаларида 14,15 ёшли ўсмирлар ўзаро беллашишди.

●**БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» етакчилари, сардорлари тумандаги меҳрга ташна болажонлар ҳолидан хабар олишди ва уларга «Камолот»нинг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

●**КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига туҳфа сифатида бунёд этилган 9-оилавий поликлиника биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон республикаси ва Италия республикаси ҳукуматлари ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган маданий ва илмий ҳамкорлик дастури имзоланди.

ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ИМЗОЛАНДИ

Ҳужжатни ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Анжело Персиани имзолади. У таълим, илм-фан ва технологиялар, маданият ва санъат, археология, маданий меросни қайта тиклаш, сақлаш ва муҳофаза этиш, шунингдек, бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўзда тутади.

Томонлар мазкур ҳужжатнинг имзоланиши икки мамлакат ўртасида юқорида санаб ўтилган соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш борасида янги имкониятларни очишига ишонч билдирди.

«Жаҳон АА».

Фуқаролар йиғинларида сайловлар

ШАҲАР КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Йиғилиш кун тартибига кўра Собир Раҳимов, Чилонзор, Учтепа туманлари кўмаклашувчи комиссияларининг ҳисоботлари тингланди, шунингдек, шаҳримизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Айтиш керакки, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туманлар кўмаклашувчи комиссиялари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари, ишчи гуруҳлари фуқаролар ўртасида сайловлар моҳияти ва аҳамиятига оид кенг қамровли тушунтириш ишларини давом эттирмоқдалар.

Ҳар бир маҳаллада сайловни ёритувчи стендлар тайёрланган. Шаҳар миқёсида тайёрланган 5000 та плакатдан ташқари ҳар бир туман ва маҳалла томонидан сайловга чақирувчи плакатлар тайёрланиб, ҳар бир кўча, уй ва йўлакларга эълонлар осилмоқда. Шунингдек сайлов жараёни телевидение ва газеталарда кенг ёритилмоқда.

Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинидан 357 тасида, яъни 75,3 фоиз маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу сайловларда жами 27385 нафар вакиллар қатнашди. Сайловларда 2563 нафар вакиллар сўзга чиқишди. Сайловларда вакиллардан ташқари кўшимча жами 10209 нафар фуқаролар ихтиёрий равишда иштирок этдилар.

Сайланган оқсоқолларнинг 78,2 фоизи олий маълумотли, 13,4 фоизини аёллар ташкил этади.

Сайловларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ўз ҳудудларида фаол иштирок этмоқда.

Тошкент Давлат юридик институтидан Тошкент шаҳри бўйича мавжуд 474 та маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирилган ўқитувчи ва талабалар ҳозирги кунда ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, натижаларини расмийлаштириш юзасидан услубий тавсия ва амалий ёрдамлар бермоқдалар.

Йиғилишда шунингдек, шаҳар кўмаклашувчи комиссияси аъзоларининг барча туманларга мунтазам равишда жойига чиқиб сайловларнинг бориши ва унга тайёргарликнинг ҳолати ўрганиб борилаётгани таъкидланди.

(Ўз мухбиримиз)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ва маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кириш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзга шахсга беришни ман этиш ҳамда уларнинг олдини олишга оид халқаро нормаларни имплиментация қилишнинг долзарб жиҳатлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг 1999-2005 йиллардаги фаолияти муҳокама этилди ва уни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро федерациясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий делегациялари вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий Кўргазмалар залида таниқли мусаввир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Саъдулла Абдуллаев асарларининг кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг юздан ортиқ энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

● Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани марказий стадионида ўтказилган Ёшлар форуми турли миллат вакилларининг дўстлик, қардошлик байрамига айланиб кетди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги томонидан уюштирилган тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган рус, қозоқ, татар, корейс, қирғиз миллий маданий марказлари вакиллари қатнашди.

● Италиянинг Турин шаҳрида ўтказилаётган 37-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасининг ўнинчи турида мамлакатимиз эркаклар терма жамоаси Германия шахматчиларини 2,5:1,5 ҳисобида енгди. Аёллар терма жамоамиз эса Эквадор шахматчиларига имкониятни бой беришди.

● Оролбўйида болажонларнинг ёзги таътил пайтида мароқли дам олишларини ташкил этиш юзасидан фаол тайёргарлик кўрилди. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 5.796 нафар ўқувчи 25 та соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

● Кеча Тошкентдаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуаси ёш чарм тўп усталари билан гавжум бўлди. Зеро, бу ерда халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Келажак футболи» мусобақалари ўз поёнига етди.

ЖАҲОНДА

● Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон, Япония, Корея Республикаси ва Россия Федерациясининг расмий вакиллари ИТЕР халқаро ядро реакторини қуриш тўғрисидаги шартномани имзолашди. Айтиш жоизки, Қуёш ва бошқа юлдузлар қувватининг манбаи ҳисобланмиш термоядро энергияси экологик тоза энергетика соҳасида узоқ муддатли муқобил сифатида катта имкониятларга эга.

● Кеча Феодосияда «Қримда НАТОга йўл йўқ» шиори остида кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Йиғилганлар НАТОнинг халқаро ўқув-машқ йиғинларининг Украинада ўтказилишига қарши.

● Кеча Буюк Британиянинг Кливленд графлиги ҳудудида жойлашган кимё заводида иккита кучли портлаш рўй бериб ёнғин чиқди. Фалокат натижасида қурбонлар бўлмаса-да икки нафар ходим енгил жароҳат олган. Дастлабки маълумотларга кўра портлаш заводнинг аммиак ишлаб чиқарувчи цехларидан бирида рўй берган.

● Подмосковьенинг Дубна шаҳрида жойлашган ядро тадқиқотлари илмий-текшириш институтида Ю.Оганесян бошчилигидаги лабораторияда Менделеев даврий жадвалига кирмаган 112-элемент — ўта оғир металл кашф этилди. Бу кашфиёт XXI асрнинг шов-шувли натижаларидан бири сифатида баҳоланмоқда. Айтиш керакки, янги элементга ҳали ном берилгани йўқ.

● Қозоғистон пойтахти Остона шаҳридаги «Транспорт тауэр» осмонўпар биносида кучли ёнғин чиқди. Ёнғин 32 қаватли, кўпчилик вазирликлар жойлашган бинонинг юқори қаватларини қамраб олди. Ўт икки соат ичида жиловланган бўлса-да бироқ ноёб бинога каттагина зарар етказгани таъкидланмоқда.

● Португалия парламентида ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар бўйича 21 июнга белгиланган муҳокамалар вақти беш соат олдинга сурилди. Бундай қарор депутатлар жаҳон чемпионатининг Португалия ҳамда Мексика жамоалари ўртасидаги беллашувини томоша қилишларига имкон яратиш мақсадида қабул қилинди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 3 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-17, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. «Ўзкитобсавдо» ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳарлар ва туман марказларида аҳолига дарсликлар сотиш учун ихтисослаштирилган ярмарка-савдо шохобчалари ташкил этилишини таъминласин, шунингдек олис аҳоли пунктларида дарсликлар чакана савдосини ташкиллаштириш чора-тадбирларини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактаблари кутубхона фондларидан ўқувчиларга дарсликларни ихтиёрийлик асосида ижарага бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари ҳисобига кутубхоначиларнинг тариф ставкасига мансаб маошининг 20 фоизигача миқдорда вақтинчалик устама ҳақ белгилаш воситасида кутубхона фонди сақланиши учун ходимларни рағбатлантириш механизми жорий этилсин.

Бунда шу нарса назарда тутилсинки, кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув- методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари ишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

умумтаълим мактабларининг кутубхона фондлари учун ҳамда ярмарка савдоси ва чакана савдо тармоғи орқали эркин сотиш учун дарсликлар ва ўқув- методик қўлланмалар тайёрлашга буюртманомани шакллантириш ва бажариш;

умумтаълим мактабларининг айрим тоифадаги ўқувчиларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига дарсликлар билан аниқ таъминлаш;

дарсликларни ижарага бериш тартиби;

кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари меҳнати натижаларига баҳо бериш мезонлари;

фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни утилизация қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда дарсликларнинг нархи ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатлар сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 31 май

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари ва маслаҳатчиларининг сайловлари бўлиб ўтмоқда Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам холисона асосда, ошкора ва очиқ ўтди.

Маҳалланг—ота-онанг

ОЧИҚ ОВОЗ ЙЎЛИ БИЛАН

Дастлаб маҳалла оқсоқоли Саидкарим Сотволдиевнинг 2,5 йил ичида маҳаллада олиб борилган ишлар борасидаги ҳисоботи тингланди. Сўнгра тафтиш комиссияси раисининг барча сарф-харажатлар ва тушумлар ўз аксини топган ҳисоботи эшитилди.

—Маҳалламизда,—дейди маҳалла фаоли Абдунаби Ғаниев,—беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Саидкарим Сотволдиев икки ярим йил ичида ҳар бир хонадоннинг сирдош дўстига айланиб улгурди. Уларнинг кувончига шерик, дардига дармон бўла олди. Маҳалламиз идораси таъмирланди. Болалар спорт майдончасини бунёд этиш учун қаровсиз ерлар текисланиб, тайёрлаб қўйилди. Лўндасини айтадиган бўлсам, оқсоқолимиз маҳалламиз учун елиб-югурмоқда. Шундай экан, нега энди бошқа кишини сайлашимиз керак?

Бугунги кунда «Кўркамобод» маҳалласида 14 та кўча мавжуд бўлиб уларнинг кўпчилиги маҳалла оқсоқоли ташаббуси билан қайта асфальтланмоқда. 52, 50-кўп қаватли уйларнинг йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. Шунингдек, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам кўнгилдагидек кечди. Маҳаллада истиқомат қиладиган 176 нафардан ошиқ қарияларнинг ҳолидан вақтида хабар олиб турилмоқда. Саидкарим Сотволдиевнинг ташкилотчилик қобилияти, бой ҳаётий тажрибага эга эканлиги, маҳалла аҳли орасидаги обрў-эътибори, кам таъминланган, хаста, боқувчисини йўқотган кишиларга кўрсатаётган беминнат ёрдами унинг халқ орасидаги ҳурматини янада оширмоқда.

—Мен, —дейди «Кўркамобод» маҳалласи оқсоқоли Саидкарим Сотволдиев,—озми-кўпми шу маҳалладаги инсонларга нафим тегаётганидан мамнунман. Ахир маҳалла Ватан ичра кичик бир Ватанимиз, муқаддас гўшамиз. Унда истиқомат қилаётганлар эса оғамиз, инимиз, онамиз, синглимиз, биродаримиз каби азиздир. Уларнинг тинч-тотув яшаши, аҳиллиги, соғ-саломатлиги биз учун жуда муҳим. Агар маҳалла осойишта бўлса, тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурса, бу бизнинг ютуғимиз. Мен маҳалладошларимнинг ишончини оқлайман ва уларга ёрдам беришга, қўллаб-қувватлашга, муаммоларини ҳал қилишга ҳамиша тайёрман.

Мазкур ҳисобот-сайлов йиғилиши фуқароларнинг фаоллиги остида ўтди ва Саидкарим Сотволдиев очиқ овоз бериш йўли билан маҳалла оқсоқоли этиб қайта сайланди. Оқсоқол маслаҳатчилари ҳам кўпчиликнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда сайланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ. СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ БАРҚАРОР АМАЛГА ОШИРИШДА СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН ШАХСИЙ ТАШАББУС ТАЛАБ ЭТИЛАДИ АЛБАТТА.

2006—Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУЧ СИНАШИШДИ

Шу маънода Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида тиббиёт ходимлари ўртасида Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган спартакиада мусобақаларини юқоридаги фикрларимизнинг исботи дейиш мумкин.

Бу йил учинчи маротаба ташкил этилган спартакиада беллашувларида шаҳримизнинг барча туманларида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларидан иборат жамоалар спортнинг югуриш, эстафета, арқон тортиш, узунликка сакраш, шахмат-шашка турлари бўйича беллашдилар.

—Ҳар бир жамоамизда 21 нафар тиббиёт ходими иштирок этмоқда,—дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси Гавҳархон Исломова.— Ушбу мусобақага тиббиёт ходимлари орасидан 19-35 ёшдагилар танлаб олинди. Туман миқёсида эса мусобақалар Яккасарой, Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек туманларида уюшқоқлик билан ўтказилди.

Тадбирнинг якуний қисмида эстрада хонандаларининг чиқишлари ташкил этилди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ



БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ЛОЛА» НОМЛИ 544-СОНЛИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА НУТҚ АЪЗОЛАРИДА ОЗГИНА НУҚСОНИ МАВЖУД БЎЛГАН БОЛАЖОНЛАР ТАРБИЯЛАНИШАДИ. БУ ЕРДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, АҚЛАН ЕТУК, МАЪНАН БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН БАРЧА ШАРТ – ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ ЭТИЛГАН.

Ўз касбининг устаси бўлган 24 нафар тарбиячи, 12 нафар логопедлар мактабгача таълим муассасасида Таълим дастурига асосланган ҳолда иш олиб боришмоқда. Яқинда ушбу даргоҳда болажонларни мактаб остонасига кузатишга бағишланган «Хайр боғчажон» тадбири ўтказилди. Унда мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари иштирокида мусиқали ва театрлаштирилган бадиий чиқишлар намойиш этилди. Беғубор ёшлик, мустақил Ватан, меҳрибон она мадҳига бағишланган қувноқ қуй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Эндиликда қардон маскан қучоғини тарк этган болажонларимиз шаҳримизнинг 246,240,17,12,50-ўрта умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим оладилар.



—Бизда болажонларимиз тарбияси учун барча шарт-шароитлар яратилган,—дейди муассаса мудираси Зебуннисо Умарова.— Жумладан, муассасамизда мавжуд бўлган фитобарда наъматак дамламаси, кислород кўпиги ва бошқа зарурий неъматлар болажонларимиз истеъмоли учун доим муҳайё. Йил бошида эса 290 нафар фарзандларимиз махсус мутахассислар кўригидан ўтказилиб, уларнинг 84 нафари билан доимий муолажалар олиб борилди. Келажакда биз бугун мактабга кузатаётган болажонлардан умидимиз катта.

Ҳумоюн АЛИЕВ

СУРАТЛАРДА: «Лола» номли 544-сонли мактабгача тарбия муассасасида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМА

Меҳмон — отангдек улуғ. Болтабой ака никига келган шаҳарлик меҳмонни бир пиёла чой ичиш учун уйга таклиф қилдик. Меҳмоннинг ҳурмати учун даврага уч-тўрт чоғли дўстларимизни ҳам чорладик.

Суҳбатимиз турли мавзуларда кечди. Бу орада меҳмон гапга чечан экан, даврани ўзига қаратиб, ҳеч кимга гап бермай қўйди. Унинг бу қилмишидан Болтабой ака хижолат тортиб, қизариб-бўзариб ўтирди. Лекин меҳмон бунга эътибор бермасди. У тинмасдан сўзлар, баландпарвоз, беўхшов гаплари бора-бора даврадагиларнинг ҳам энсасини қотира бошлади. Меҳмонни чалғитиш учун Акбар ака суҳбат мавзусини инсонийлик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат масаласига буриб юборди. Шунда дўстларимиздан бири гапириб қолди.

— Неъмат аканинг ғалати хусусияти бор эди-да. Ўтган йили дам олиш куни у билан бозор айланиб юрсак бир қария девона олдимиздан чиқиб қолди. Ночорлигини айтиб биздан ёрдам сўради. Шунда Неъмат ака ёнидаги бор пулини киссасидан чиқариб, девонага узатди. «Нега бундай қиласиз, ахир унга 50 ёки 100 сўм берсангиз бўлардику» десам у: «Ҳозир 100 сўмга нима берарди, пулга муҳтождирки, елка қисиб девоналик қилиб юрибди» деди.

Шу баҳона бўлиб, Неъмат аканинг одамийлиги, сахийлиги ҳақидаги сўз узоқ давом этди. Ҳамма билганича шу инсоннинг хусусиятлари ҳақида гапирди.

— Ошпаз Неъмат ака Расулов ҳақида гапиряпсизларми? — сўради меҳмон гапга аралашиб.

— Ҳа, худди ўша одам ҳақида. Сиз ҳам танирмидингиз?

— Таниганда қандоқ. Ака-ука эдикку у одам билан. Уйимизда бўладиган тўйми, маъраками, барча йиғинларда шу киши ош дамлардилар. Тунов куни Неъмат акани йўлда учратиб қолдим. Анча қариб қолибдилар. «Нега кўринмайсиз?» десам: «Қаричилик, укам» дедилар. Уйга таклиф қилдим. Олдинига унамадилар, қистаб қўймаганимдан кейин ночор кўндилар. Роса мириқиб суҳбатлашдик.

Меҳмоннинг гапидан ҳамма ҳайратга тушди. Ахир Неъмат ака бундан роса бир йил муқаддам бандаликни бажо келтирган бўлса, бу одам тунов куни уни қаерда учрата қолиб, уйига таклиф қилибди. Балки меҳмон адашаётгандир, дея, ҳайронликда сўраб-суриштирсак, у аниқ-таниқ биз билган Неъмат акани, Расуловни айтяпти.

Болтабой ака танишининг қилмишидан уялиб, тилга кирди.

— Қодиржон ука, янглишманг. Неъмат ака оламдан ўтганига бир йил бўлди. Тунов куни ҳаммамиз биргалашиб эҳсон ошини ўтказдик.

Меҳмон ёлғонлаганидан уялиб мулзам қотди. Шу даврада ўтирган Пўлат ака «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида бир ҳикоят келтирди.

— Бир одамга: «Фалончи дўстинг вафот этибди, эшитдингми?» дейишибди. У одам ҳайрон бўлиб дебди:

— Бу сўзинг тўғри бўлмаса керак, чунки ҳозиргина ундан хат олдим. У хатида ўзининг вафоти ҳақида ҳеч нарса ёзмаганку, — деган жавобни берган экан.

Шу гапдан кейин меҳмон кетишга ижозат сўради.

ХОЛИС ГАП ЯХШИ

Баҳс яхши, лекин... Дўстларимиздан бири йирик асарга қўл урганини эшитиб хурсанд бўлдик.

Орадан йиллар ўтиб қисса ниҳоясига етди. Муаллифнинг таклифи билан ўн чоғли ижод аҳли унинг хонадонига — қисса қўлёзмаси муҳокамасига тўпландик.

Ҳақ гапни айтганда, оила мавзусида ёзилган бу қисса ёмон эмас, ўқувчига манзур бўларли даражада ўқимишли эди. Шундай бўлса-да, лекин ҳеч ким сўз айтишга шошилмасди. Ким биринчи бўлиб бошлайди? Ҳозир шу саволга ҳамманинг диққати қаратилган эди. Охири йиғилганлар орасидан анча таниқли ижодкор ҳамкасбларимиздан бири сўз олди.

У асарнинг хусусиятлари, фойдали томонлари, ютуқлари ҳақида гапира туриб, унда кўзга ташланган баъзи бир нуқсонларни ҳам бирма-бир санаб ўтди.

Иккинчи бўлиб сўз олган яна бир қатнашчининг асар муваффақияти хусусидаги сўзи қисқа бўлди.

— Ютуқлар ўзимизники. Лекин мен кўпроқ қиссанинг камчиликлари ҳақида гапирмоқчиман.

Шундан кейин у ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, асарнинг нуқсонлари ҳақида сайраб кетди. Унинг фикрлари йиғиндиси асар бугунги ўқувчи талабига бутунлай жавоб бермайди, деган хулосадан иборат бўлди. Ўтирганлардан яна икки киши танқидий фикрловчининг сўзини қувватлаб гапирди. Табиийки, уларнинг гапи кўпчиликка ёқмади. Ўртада тортишув бошланди.

Муҳокама охирида барибир ҳақиқат қарор топди. Асарнинг бир қатор камчиликлари айтилса-да, у асосан ижобий баҳоланди.

Йўлда қайта туриб, ҳамроҳимдан нега бояги кишилар бинойидек қисса устида бу қадар ашаддий танқидий фикрлар айтишгани хусусида сўраганимда.

— Билмадим, — деди у, — ҳар қалай ўртада бир гап борга ўхшайди.

Кейин билсак ўша танқидий фикрловчилар қисса муаллифини у қадар ёқтиришмас экан. Шунда бизга ҳаммаси кундек равшан бўлди. Баҳс яхши, лекин ўртага гина-кудурат аралашмай, холисанилло бўлса. Акс ҳолда...

ҚУТЛУҒ КУНЛАР НАСИБ ЭТСИН

Ҳайдар ота етмиш ёшга кирибди. Отахон қутлуғ ёшини нишонлаб, маҳаллага ош беришга аҳд қилган эмиш, деган хабар тарқалди. Эшитиб хурсанд бўлдик. Отахон биз билан ҳаммаҳалла. Умри меҳнат билан ўтди. У узоқ йиллар бир корхонада ишлаб, эндиликда меҳнат таътилига чиққан. Топган-тутганини болаларига харажат қилиб, уларни ўқитди, ҳаммасини олий маълумотли қилди. Уч ўғил, бир қиз ўзига хос касбларни эгаллашди. Ҳаммаси уйли-жойли. Фарзандлар ота-онага меҳрибон, қобил чиқди.

Яқинда улар йиғилишиб, отанинг қутлуғ ёшини нишонлашга аҳд қилишди.

— Сизлар нима десаларингиз шу, болаларим, — деди Ҳайдар ота ўшанда фарзандларининг хайрли таклифидан хурсанд бўлиб. — Маҳалла-кўй, узоқ-яқинларнинг ошини кўп едик. Энди биз ҳам уларга бир ош берсак, берибмизда.

Ўша кундан бошлаб тўй тайёргарлигига ҳозирлик кўрилди. Аниқ кун белгиланган, одамларга таклифномалар тарқатилди.

Отанинг қутлуғ куни яқинлашганда, бирдан нохуш хабар тарқалди. Нима дейсан, Ҳайдар ота тўсатдан вафот этибди.

Афсус, у орзиқиб кутган табаррук кунни кўролмай кетди. Доғда қолган фарзандлар отанинг етмиш ёшлик тўйи нишонланадиган кун ва ўша белгиланган жойда унинг маъракасини ўтказишди.

Эскиларнинг «Етказганига шукр», деган гапларида пурмаъно борлигига ана шунда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Айтинг, айтинг, ҳеч кимни бунақа табаррук кунлардан бенасиб қолдирмасин.

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эй азиз, билгилки, одамзод дунёда қўлида борига қаноат қилиши лозим. Шундагина у одамларга таъма қўлини чўзмайди. Кимки ортиқча нарса қидирса, меҳнатлар домига тушади, одамларнинг назаридан қолади. Натижада ундай киши надомат тўрига ва маломат ўқига дучор бўлади. Билгилки, таъма барча балоларни келтиргувчи ва жумла офатларни қўзғотувчидир. Агар қушлар одамлар қўйган донга таъма кўзи билан боқмаганларида, дом ҳалқаси уларнинг бўйнига тушмаган бўлур эди. Агар инсон таъма камарини белига боғламаса, хорликнинг ботқоғига ботмайди.

Эй биродар, таъма қилмагил, таъма—
Одамни харобу хору зор қилар.
Икки оғиз тингла мендек носиҳдан,
Сени ҳаёт ичра бахтиёр қилар!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Таъмагир кўпгина нарсаларга таъма кўзи билан қарайди. Бироқ ҳеч нарсага етолмайди, барибир муҳтожликда қолаверади. Бойлик кишини ҳеч вақт ҳақиқий саодатга етказолмайди. Таъмагир эса бахту саодат одамга салтанату кумуш орқали келади, деб ўйлайди.

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,
Ким улфатдур, боши узра юз минг кулфат.

Аҳмад ЯССАВИЙ

Таъма орқали тўпланган молу давлат таъмагирнинг ўзигагина эмас, ҳатто меросхўрларга ҳам яхшилик келтирмайди. Таъма инсоний хислатлардан маҳрум этади.

Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ

Хорликлар боши таъма билгил,
Доимо аззаман қанаъ билгил.

НАВОИЙ

Неча инсон нафси деб бўлди хароб,
Бошига тушди ани ғам беҳисоб.
Кимни ранжитсанг бориб узрингни айт,
Чунки душман доимо пойлайди пайт.
Ҳар киши пул ила мол орзу этар,
Бас, қаноатла бу орзуга етар.

Фаридиддин АТТОР

ҲИКМАТ. Қайси бир дил бўлмасин агар унда таъма тўлқини бор экан, доимо домга тушиш хавфи бўлади. Таъма ғафлат деворининг пушти паноҳи, ботил андишалар денгизининг ғаввоси. Байт:

Кимда таъма бўлса унда ғафлатдир,
Ғафлат замирида юзлаб офатдир.

Агар киши таъма ипига илинса бало чоҳига қулайди. Қушларга боқ, ўзлари осмонда парвоз қилсалар ҳам ердаги дон таъмасидан домга илинади. Фард:

Бир сиқим буғдой тегирмон
тошини сарсон қилар.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Ёмонликни шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси таъма , ғазаб ва илмсизликдир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Таъмагир бўлмаслик керак. Кишининг бошига таъмадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши ғазабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда ғазабдан кучлироқ нарса йўқ. Ғазаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феълига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

«МАХЗАН ал-улум»

Таъмагир билан асло яқин бўлма,
Шубҳасиз у сенга душман бўлади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Кишидаги энг ёмон хислат ўта бахилликдир.

ҲАДИС

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир шаҳарнинг атрофидаги далада қўйлар отари бўлиб, чўпон ўз қўйларини кўриқлаш мақсадида итини посбон қилиб тайинлади. Ит содиқлик билан қўйларни кўриқлар, ҳеч бир жонзотни қўйлар яқинига яқинлаштирмас эди.

Кунлардан бир кун, далага яқин тоғда тулки ит билан тил топишиб қолди. Тулки итга иккиюзламачилик қилар, итнинг кўнглида эса, у билан айшу ишрат қилиш таъмаси жўш урар эди. Ит шу таъма туфайли тулкига ҳар куни биттадан кўзи иньом қила бошлади.

Қўйларнинг камайиб бораётганини сезган чўпон бир куни ўзича: «Садоқатли итим бўлса-ю, нега бундай ҳол юз бераяпти?» деб ўйладида пойлашга тушди. Воқеадан огоҳ бўлгач, «ўзингдан чиққан балога қайга борурсан давога, тулки итни йўлдан урибди», деди. Шеър:

Посбон оёғига кирдию тикон,
Ўғри матоларни ўмарди осон.

Азизим,кўрдингми, таъма инсонларнигина эмас, ҳатто ҳайвонларни ҳам йўлдан оздирар экан. Шунинг учун имкон борича таъма домига тушмасликка урин!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Шикоят қилма, эй таъмагир, нопоқ,
Тупроқдан ор этма, чунки ўзинг ҳоқ!
Чўпни ҳам элтолмас бу сувдан ҳеч ким,
Гавҳар сенга бўлсин, менга бас хошок!

Паҳлавон МАҲМУД

Ҳар ким озод бўлиб, шармандаликдан ҳоли бўлай деса, таъмадан узоқ бўлиши керак.

«МАХЗАН ал-улум»

Таъмаси кўпнинг, инсофи оз бўлар.

***

Таъмагир ўзи қилаётган хатони ўзи билмайди.

Пасткаш одам бирор кимсани севса, ё кўрққанидан севади ёки таъмагирликдан.

«ОТАЛАР сўзи»

Иззат бермас, нақду дирам борлиги,
Ким бўлди таъмадин кишининг хорлиги

НАВОИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Оила даврасида

Мулоҳаза

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...

Мен тақдир тақозоси билан поездда Бухородан Тошкентга қайтишимда бир қиз билан танишиб қолдим. Исми Дилдора экан. У жуда ғамгин ва маъюс эди. Биз танишганимиздан сўнг, у бошидан ўтказган бир воқеани айтиб берди.

Дилдора мактабни тугатган йили олий ўқув юртига ўқишга киролмаган экан. Шунда у уйидагилардан, синфдошлари, қишлоқдошлари ва ўз яқинларидан уялганидан қишлоғига ҳам қайтмабди. Катта шаҳарда уч-тўрт кун юрганидан сўнг, ўзидек икки-уч нафар қизлар билан танишиб, яқин дўст бўлиб қолишибди. Қарангки, уларнинг тақдири ҳам худди Дилдоранинг тақдирига ўхшаш экан. Ўқишлар бошланган, ҳамма ўқиш билан машғул. Дилдора дугоналари билан ўқишга кирмаган ва ўзларига вақтинча берилган ётоқхонани бўшатишлари керак эди. Ишни қаердан ва нимадан бошлаш керак — уйга кетсакми, ё кимдир ёрдам берсами, деб қизлар гангиб қолишган. Шу пайт Дилдоранинг таниши кичкина бир эълон ёзилган қоғозни олиб келган. У қоғозда шундай сўзлар ёзилган эди. «Биз сизни Европанинг исталган давлатларидан бирида ишга жойлаштирамиз! Сиз у ерда ҳафтасига 300 доллардан маош оласиз. Марҳамат танланг: Англияга энага, Португалияга қурувчи, Грецияга официантка бўлиб боришингиз мумкин. Барча ерларда бизнинг одамларимиз бор, ҳужжатларни расмийлаштириш биз учун муаммо эмас...» ва уларнинг телефонлари ёзилган эди. Қизлар анча баҳслашиб, охири бир қарорга келишган. Улар шу эълонни берган одамлар билан телефон орқали тез боғланиб, Англияга энага бўлиб бориш истагини айтишган. Қарангки, уларни бу йўлдан қайтарадиган, тўғри маслаҳат бериб уйига, қишлоғига, ота-онасининг бағрига қайтишини, бу йил ўқишга киролмаган бўлса, келаси йил албатта яхши тайёрланиб, ўқишга киришлари мумкинлигини айтадиган бирор кимса топилмаган. Шу боисдан, улар ўз ҳаёт йўлларини ўзгартириб бўлишган эди... Хорижга кетиш тез ҳал бўлди. Қишлоқ қизлари жуда содда, кўнгилчан, чиройли эдилар. Бу эса қизларни алдаб, уларни сотадиганларга жуда қўл келган экан. Ҳикоясини давом эттираётган Дилдора орада тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. «Сиздан илтимос, албатта менинг шу сўзларимни газета ёки журналга ёзинг, зеро бошқа қизларимиз бизлар каби алданиб, адашиб қолишмасин. Ўз ҳаётларини ўзлари издан чиқаришмасин.

Бизларнинг у томонларда кўрган ҳаётимизни мен ҳатто душманимга ҳам раво кўрмайман...», деб ҳаяжонланиб сўзини давом эттирди. Лекин ҳамма жойда бўлгани каби у ерда ҳам бир яхши инсон билан танишиб қолдик. У инсон ўша ерда ўқир экан. Бизларнинг сўзларимизни тинглаб, уч-тўрт кун овора бўлиб ўз ҳисобидан бизларга Тошкентга учадиган самолётга чипта олиб берди...

Биз қилган ишимиздан жуда пушаймонда эдик, лекин минг афсус, кеч бўлганди. Ҳамма нарсага ҳам ишонавермаслик керак экан. Биринчи навбатда нима бўлганда ҳам ота-онани хабардор қилиш ва уларнинг розилиги билан иш тутиш керак экан. Мана, мени қилган катта хатоим деб ўксиб-ўксиб йиғлаб олди.

Азиз опажон ва тенгдошларим, сизга маслаҳатим: хорижга чиқиш билан боғлиқ ишларни халқаро ва трансмиллий ташкилотлардан топишингиз мумкин-ку. Сизни қизиқтириб қўйган чет давлатларидаги юқори маошли ишлар ҳатто танишларингиз, қўшниларингиз ёки дўстларингиз томонидан таклиф этилган бўлса ҳам ишонаверманг. Чунки кўпчилик одам савдоси қурбонларининг сўзларига кўра уларга айнан танишлари ва дўстлари аввалига илтифот билан чет давлатларда ишлашни таклиф қилишган, кейинчалик эса уларни қулликка сотиб юборишган. Агар сизга чет давлатда меҳнат қилишни таклиф этган ҳолда, сайёҳлик визасини расмийлаштириб беришса, демак, сизга ноқонуний ва хавфли иш таклиф этилаётган бўлади.

Шунинг эвазига ҳам кўпгина одамлар ўз ҳаётларидан адашиб, ёмон йўлларга, ноқонуний ва ғайрли ишларга қўл уриб қўймоқдалар. Айниқса, қизларимиз ҳақида кўпайиб кетган миш-мишлар қани эди, ёлғон ёки уйдирма бўлса. Минг афсус, бу миш-мишлар ҳақиқат эканлиги ва бундай қизлар ўз ишларидан пушаймон эканликларини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун, ҳар бир ишни қилишдан олдин «етти ўлчаб бир кесиш» муҳим эканлигини давр тақозо қилмоқда. Мен барча қизларимизга ва тенгдошларимизга бу борада эҳтиёткор бўлишни, ширин ва маҳзун ҳаётларига ўзгаларнинг раҳна солишга йўл қўймасликларини сўраб қолардим.

Шунингдек, қизларимизнинг ўта ақллилик ва зукколик билан фикр юритишлари ва иш тутишларини маслаҳат берардим. Қайсики, ўзбекнинг биргина қизига айтилган ёмон гап ҳамма ўзбек қизларининг номига иснод келтириши мумкин. Шунинг учун, ўзимизнинг шарқона ор-номусимизни, шаънимизни сақлаб қолайлик. Бу борада Нодирабегим, Увайсий ва Зулфияхоним каби улуғ сиймоларнинг тутган йўли ва сабоқлари биз ўзбек қизлари учун ҳаёт мактаби бўлсин.

Мафтуна ЭСАНОВА

ЭРКАЛАТСА ОНАСИ...

Инсон дунёга келар экан, энг аввало бахтли-тахтли бўлишга, тинч ва фаровон яшашга, эзгу ишлар қилиб, ўзидан кейинги авлодга яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади ва бунинг учун бор куч-ғайратини аямайди.

Шу жумладан, ҳар бир инсоннинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топишида, эл-юрт орасида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида таянч вазифасини ўтайдиган оилада шаклланган муҳитга ҳам кўп нарса бевосита боғлиқдир. Агар бу муҳит юқори даражада шаклланган бўлса, ҳар бир оилада тинчлик ва тотувлик ҳукм суради. Бунинг натижасида жамиятимиздаги тинчлик, осойишталикнинг таъминланишига ҳам катта ҳисса қўшилади.

Зеро, оилада энг муҳими фарзанд тарбиясидир. Фарзандининг яхши хулқли бўлиб камол топиши учун ҳар бир ота-она кўп йиллар машаққат чекиб, тарбия беради. Улар фарзандларининг ютуқларидан беҳад шод бўладилар, қайғусидан куюнадилар, болалари учун ўз ширин жонларидан кечишга ҳам тайёр турадилар.

Азиз ота-оналаримиз бизларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадилар. Бизнинг пухта билим олишимиз, ўзимиз севган касб-ҳунарнинг эгаси бўлишимиз учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берадилар. Бу каби юксак эътиборларини оқлаш учун биз фарзандлар ота-оналаримизнинг олдида бурчлимиз.

Лекин баъзи бир ота-оналар ҳам борки, фарзандларига тарбия беришлари чоғида керагидан ортиқ эркалаб уларнинг кўнглига қараб «эркатой» қилиб ўстиришлари натижасида фарзандлари, афсуски, енгил табиатли бўлиб ўсмоқдалар.

Бундай фарзандлар нопок қилмишларининг оқибатида ўзларининг, энг ачинарлиси, азиз ота-оналарининг элу-юрт олдида ёруғ юзларини ерга қаратиб, «қаро» қилмоқдалар.

Бироқ, «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман» деганларидек, уларнинг ота-оналари кеч бўлса-да, ўзларининг фарзанд тарбияси борасидаги хатоларини тушуниб етишмоқда.

Агар, улар фарзандларини ёшлигида керагидан ортиқ эркалатиб қўймасдан, ўз вақтида эътибор берганларида эди, бугунга келиб «эркатой» фарзандлари ичкиликка берилмаган, гиёвандлик воситаларининг асирига айланмаган, турли диний экстремистик оқимларга қўшилмаган, энг даҳшатлиси, XXI аср вабоси, деб эътироф этилаётган СПИД дек балою офатлардан узоқроқ юрган бўлармиди.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

ИБРАТЛАР

● Бировларга яхшилик қилиш энг аввало ўзингизга яхшилик қилишдир. Бу доимо ёдингизда турсин!

●Қандайдир бир қолипга сиққан ижодкор ижодкор эмас, балки у ҳар қандай мусиқага йўрғаловчи раққоса мисол.

● Иш кўзини билмайдиган бошлиқлар қанча кўп бўлса, халқ ҳаёти шунчалик ёмонлашаверади.

● Қандай одамлигини билмоқчи бўлсангиз ўша одамнинг кўзига қаранг. Кўз билан қалб алдашни билмайди.

● Ёмон одам қандай пайдо бўлади, деган саволга амали катталарга ҳар қандай ҳолатда ҳам саккиз букилиб қуллуқ қилувчи, амали йўқларга еккайиб, зарур, безарур кибр билан муносабатда бўлувчи, деб жавоб қилсангиз адашмаган бўласиз.

● Амалга ўтирдию ёмон томонга ўзгарди, дейиш унчалик тўғри эмас, улардаги бу нуқсон аввалдан бўлган эди, дейиш тўғрироқ бўлади.

● Борликдаги барча нарсалар кун ва тун, ширин ва аччиқ, иссиқ ва совуқ қилиб яратилганидек ҳалол ва харом кишиларга ҳам ҳаётнинг лаззатию аччиғи тенг насиб этаркан. Шундан жаннату дўзах бор-да. Тириксан, унутма бу ҳақиқатни эй биродар!

● Дилозор бўлманг, жаннат эшигини ўз қўлингиз билан ёпиб қўйган бўласиз.

● Оми одамга фалсафадан дарс бериш кар қулоғига танбур чертишдек гап.

● Юлдуз бўлиш учун юлдуздек порлаб, нур сочиб туриш керак.

● Мақтанишни боплаган одам, ёмонлашни ҳам боплайди деган ҳақиқатни ёддан чиқарманг.

● Тоққа кўтарилиш қанча машаққатли бўлмасин, барибир мароқлидир.

● Ҳар бир ишга тафаккур ва идрок билан киришган одамгина мақсади бекатига етади.

● От учун қамчи лозим, у гарчанд елиб югурадиган тулпор бўлса ҳам. Сиз одамсизку, биродар.

Тўлқин МУХИДДИН

Мунажжим башорати

3 ИЮНЬ, ШАНБА

